

Ислом тараққиёт банки Нигерияга 25 миллион долларлик сармоя киритади



15:32 / 09.09.2021 1259

Нигериядаги энг йирик ислом банки, мамлакатнинг хусусий секторини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун Ислом тараққиёт банкидан 25 миллион доллар олганини эълон қилди.

Leadership Nigeria маълумотларига кўра, пуллар кичик ва ўрта хусусий компанияларни қўллаб-қувватлашга, 25 миллион долларнинг 10 миллион доллари пандемиядан зарар кўрган хусусий секторга ёрдам беришга сарфланади. Бу ҳақда Jaiz Bank баёнотида айтилган.

Ислом тараққиёт банки бош директори Айман Сежини: «Нигериядаги ислом банки ва Jaiz Bankнинг ҳамкорлиги кичик ва ўрта корхоналарга ислом қонунларига мувофиқ молиявий ресурсларга бемалол кириш имконини беради. Охир-оқибат бу корхоналар ўз бизнесларини сақлаб қолишига, шунингдек молиявий эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Бу ҳамкорлик Нигерия иқтисодиётига коронавируснинг салбий оқибатлари билан курашиш ва мамлакатда исломий молиялаштиришнинг кўтарилишига қарши ёрдам бериш бўйича келишилган мажбуриятга мос келади», дейди.

2003 йилда ташкил этилган Jaiz Bank ислом қонунлари ва фоизсиз банк тамойиллари асосида фаолият юритаётган биринчи Нигерия банки ҳисобланади.